



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни Туркия Республикасининг ташқи ишлар вазири Ҳакан Фидан, ички ишлар вазири Али Ерликая ва Миллий разведка хизмати директори Иброҳим Қалиндан иборат делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказдилар.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 6-7 июнь кунлари Туркияга қилинган расмий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали

ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бугун икки давлат вазирлари ва идоралари раҳбарлари ўтказган қўшма учрашувнинг самарали натижалари юқори баҳоланди. Қабул қилинган “йўл харитаси”га мувофиқ мунтазам ва тизimli алоқаларни давом эттириш, бундай музокаралар формати ва кун тартибини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий

ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама этилди. Хавфсизликка замонaviй таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва қўшма тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги шерикликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ ВА МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 630 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек халқининг буюк қомусий олими, Темирийлар давлатининг машҳур ҳукмдори Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек ўзининг бой илмий-маърифий мероси ҳамда мислсиз бунёдкорлик фаолияти билан юртимиз тараққиёти ва жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улкан тарихий сиймодир.

Ўрта асрларда она заминимизда юзага келган иккинчи Уйғониш даврининг ёрқин намоёнаси ҳисобланган Мирзо Улуғбек узок йиллар ўз салтанатини адолат ва инсонпарварлик ғоялари асосида бошқариш ва кенг қўламли бунёдкорлик ишларини амалга ошириш билан бирга илм-фан, маданият ва санъат соҳаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратди. Унинг ташаббуси ва ҳомийлиги остида кўплаб мадрасалар, мактаблар, кутубхоналар, масжидлар, карвонсаройлар, кўприклар ҳамда сўлим боғлар барпо этилди. Натижада ўлкамиз ҳар томонлама тараққий этиб, Шарқдаги йирик маданият ва илм-фан диёрига айланди.

Мирзо Улуғбек математика, физика, тарих, меъморчилик соҳаларида улкан натижаларни қўлга киритди. Буюк аллома, айниқса, Самарқанд шаҳридаги ўзи бунёд эттирган расадхонада амалга оширган кенг қамровли илмий тадқиқотлари ва кашфиётлари билан жаҳон астрономия фанининг ривожига туб буришни ясади. Улуғ ватандошимизнинг ана шундай изланишлари натижасида юзага келган “Жизи жадиди Кўрагоний” асари ҳозирги пайтда ҳам юлдузлар илми соҳасида дунёдаги энг буюк асарлардан бири сифатида эътироф этилиб, олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мустақиллик йилларида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида кўплаб тадқиқотлар, маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Унинг даврида бунёд этилган меъморий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги кўплаб аҳоли яшаш масканлари, таълим муассасалари, пойтахтимиздаги йирик туман Мирзо Улуғбек номи билан аталади. Мамлакатимиз ва хорижда олимнинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилган.

Буюк аждодимиз асарларининг миллий ва умуминсоний мазмун-моҳиятини, уларнинг ёш авлод интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш ва шу асосда Янги Ўзбекистоннинг муносиб бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда Мирзо Улуғбек илмий-маърифий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2024 йилда Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

➔ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЎЙИНИЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида ўзининг азму шижоати ва маҳорати, мустақкам ирода ва жасоратини намоён этиб, Ватанимиз тарихида мислсиз натижаларга эришгани, терма жамоамиз сафида муваффақиятли қатнашиб, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик, сабот-матонат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан

Иўлдасев Толиббой Тожибой ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Қурбанова Нурхон Ғуломжон қизи —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Маъруфхўжаев Қудратиллохон Охунжон ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Мирзаёрова Асила Убайдулла қизи —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Одилов Ёрқинбек Олимбек ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Султонов Элбек Улаш ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Тоштемиров Асадбек Умар ўғли —
Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан

Намозов Шерзод Насимович —
Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Омонов Бобиржон Зоиржон ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ибрагимов Сервер Юсуфович —
Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Исақова Зиёдаҳон Абдуғаффор қизи —
Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Йиғиталиева Шаҳинахон Шокиржон қизи —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Наимова Гулжоний Абдулло қизи —
Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Салиев Дониёр Нурулла ўғли —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Хакимова Кубаро Орифовна —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ходжаева Кумушхон Сайдулло қизи —
Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Амонов Маҳмуд Мирзоевич —
Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Умирзоков Фазлиддин Абдулбоқиевич —
Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Ходжамов Раҳмонберди Джумабоевич —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Худайбергандов Сардор Камилевич —
Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

➔ Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Қадим кент, очиқ осмон остидаги музей —
Хива шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг
иккинчи парламентлараро форуми ўз иштини
бошлади.

Унда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон,
Туркменистон ва Ўзбекистон парламентлари
раҳбарлари ва делегациялари, жумладан, ёшлар
парламенти ва гуруҳлари, маҳаллий давлат
ҳокимияти вакиллик органлари масъуллари
иштирок этмоқда.

БИР МУШТ БЎЛИБ ЖИПСЛАШАЁТГАН МИНТАҚА

Бунда парламентлараро ҳамкорлик
ҳам муҳим ўрин эгалляпти



Форум аввалида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбир иштирокчиларига йўлаган табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Халқимизда қўшнингинг ҳаққи, деган тушунча бор. Бу ҳақ фақат тансиқ таом улашишдан иборат эмас. Унинг қамрови анча кенг. Яъни инсон ўзига нимани раво кўрса, фарзандига қандай меҳр ва тарбия берса, қўшинига ҳам худди шундай муносабатда бўлади, дегани. Шунинг учун ҳам узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал кўрилади. Нимагаки, синовли кунларда ҳам, тўй ва базмларда ҳам, аввало, қўшнилар кўмакка етиб келади. Шу маънода кун сайин дунё қиёфаси, геосиёсий жараёнлар ўзгариб бораётган ҳозирги даврда яқин қўшничилик муносабатлари жуда муҳим.

➔ Давоми 3-бетда

Нуктаи назар

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ

У нимаси билан афзал?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЯЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Юсупов Иброҳимжон Абдумутал ўғли — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Якубов Яхёбек Собиталиевич — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Норбеков Хусниддин Киличбоевич — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Бурханова Сафия Каимовна — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Кузиева Рўза Рашидовна — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ташходжаев Мухторхон Махсудович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси

Абдухаликов Сардор Абдухаликович — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Кўзиев Бобур Собирович — Тазвондо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Хайдаров Мавлонбек Мухторович — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

“Дўстлик” ордени билан

Ахмедов Фаррух Хуршидович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси бош қотиби

Амилов Равшанбек Кабилджанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Дусумбетов Муратбой Шамуратович — Дюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Ефимова Наталья Алексеевна — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Ибрагимова Алфия Гиласиновна — Дюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Камуля Григорий Георгиевич — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Норматов Азизжон Муратович — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

“Жасорат” медаллари билан

Ғиязов Темураб Махаммадҷон ўғли — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Кароматов Давурхон Фозил ўғли — Дюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Курабанов Усмон Умирбекович — Дюдо бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Одилова Муслима Улуғбек қизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Хамдамова Мохигул Кабаёр қизи — Ангил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 11 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БҮЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ ВА МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 630 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Мирзо Улуғбек сиймоси тасвирланган, унинг шахси, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва алломанинг илмий-маърифий меросига бағишланган кўргазмалар ахборот воситаларини тайёрлаш, медиа маҳсулотлар ва аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, интернет ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданият марказлари, ватандошлар жамиятларида Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик гуяларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий аянжманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

6) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Самарқанд шаҳрида 2024 йил 10-11 октябрь кунлари “Мирзо Улуғбек: буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилишини ташкил этиш. Бунда халқаро конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тенг улушда қопланади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Мирзо Улуғбек ҳаёти ва илмий-маърифий меросини тадқиқ этишга оид илмий-тадқиқот ишлари бўйича давлат буюртмаси талабларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 12 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан алломанинг “Зижи жадиди Қўрагоний” асарини ўзбек, рус ва инглиз тилларида, “Тўрт улус тарихи” номи тарихий асарининг ўзбек тилига таржимаси қайта нашр қилинишини ташкил этсин;

Мирзо Улуғбек ҳаёти ва илмий-маърифий меросини ўрганишга бағишланган энг яхши илмий мақолалар танловини ўтказсин.

5. Фанлар академияси 2024 йил октябрь ойида;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида Мирзо Улуғбек асарлари нашрининг тақдиротларини ўтказсин;

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ-шунослик институтини Мирзо Улуғбек даврига оид асарлар қўлемаларининг кўргазмасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек ҳақида яратилган “Осмон тоқига қўйилган нарвон” номи ҳужжатли фильм тақдиротини уюштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Республика Матнавийат ва маърифат маркази,



МИЛЛАТ ИНСОНИЙЛИГИ

Энди маҳкумлар сайловларда иштирок эта олади



Комрон НИГМАТОВ, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти шўъба мудири

ҳукми асосида маҳрум этилган бўлмаса, улар мазкур сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга экани мустақамланди.

Мазкур нормалар миллий ҳуқуқ учун мутлақо янги нормалар ҳисобланади. Сабоби, эски таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясига (1992 йил) кўра, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок эта олмаган.

Киририлган ўзгаришларнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, нормада маҳкумларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи 2 та муҳим шарт билан ҳимояланган.

Биринчиси, сайловда иштирок этиш ҳуқуқи фақатгина қонунда белгиланган ҳолларда чекланиши мумкин. Масалан, келажакда янги қонун қабул қилиш орқали яна аниқ бир турдаги жиноятни (масалан, тинчликка қарши жиноятлар) содир этган шахсларнинг сайлов ҳуқуқи чекланиши мумкин. Шунингдек, қонуноти ҳужжатлар, масалан, турли давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, бошқа идоравий ҳужжатлар билан маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас.

Иккинчи қафолат эса бевосита ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш институти билан боғлиқ. Бошқача айтганда, фақатгина жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний қўғам қилган ҳужжати,

яъни ҳукми билангина оғир ёки ўта оғир жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум қилинган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Мазкур масала судлар томонидан белгиланган тартибда чуқур ўрганиш асосида, синчковлик ва индивидуал тарзда ҳал этилади.

Янги қабул қилинган қонун нормасининг яна бир нозик ва муҳим жиҳати шуки, унда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган ва бу учун айнан озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунда худди шундай оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган, бироқ жазони ижро этиш (шу жумладан, даволаш, тарбия) қолониялари, турмалар ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда сақланаётган маҳкумларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи чекланмайдиган. Содда қилиб айтганда, нисол учун, шахс гарчи ўта оғир жиноят содир этган бўлса-да, аммо ахлоқ

қилиш масаласини ҳал этишда максимал равишда тор доирадаги шахсларни қамраб олишга ҳаракат қилган.

Четдан қараганда, шунчаки демократик давлатга хос бўлган шахснинг навбатдаги ҳуқуқи давлат томонидан қафолатлангандек фикр туғилиши ва бу қонунчилигимизда “қафолатланиши шарт бўлган ҳуқуқдек” кўриниши мумкин. Аслида, бундай эмас ва мазкур сайлов ҳуқуқи чуқур фундаментал ва фалсафий масалаларга бориб тақалади. Шунингдек, бу борада давлатларнинг ҳам турлича ёндашувлари мавжуд. Ўзбекистон бу йўналишда энг ривожланган айрим давлатлардан ҳам илгорилаб кетганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Масалан, қизиқ факт, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг асосий ҳужжат — 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ёки Европа учун энг асосий ҳужжат — 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинли-

Замонавий фуқаролик жамияти шахсларни озодликдан маҳрум этиш тушунчаси борасида ўрта асрларга хос бўлган стереотип ва ёндашувдан воз кечган. Эндиликда маҳкумлар, гарчи оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган бўлса ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан шунчаки маҳрум қилинмайди. Конституциямизда белгиланган инсонпарвар демократик давлатда ҳар қандай шахснинг овози муҳим ва бу ҳуқуқ Асосий қонун билан қўриқланади.

тузатиш ишлари жазосини ўтаётган бўлса, унинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи ҳеч қандай ҳолатда чекланмайди.

Бундан ташқари, тергов ҳисобоналари ёки изоляторларида сақланаётган оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда гуноҳ қилинувчилар ва айбланувчилар ҳам юқоридаги норма доирасига тушмайди ва уларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи ҳеч қайси ҳолатда чекланишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонун сайлов ҳуқуқидан маҳрум

қилиш масаласини ҳал этишда максимал равишда тор доирадаги шахсларни қамраб олишга ҳаракат қилган.

Четдан қараганда, шунчаки демократик давлатга хос бўлган шахснинг навбатдаги ҳуқуқи давлат томонидан қафолатлангандек фикр туғилиши ва бу қонунчилигимизда “қафолатланиши шарт бўлган ҳуқуқдек” кўриниши мумкин. Аслида, бундай эмас ва мазкур сайлов ҳуқуқи чуқур фундаментал ва фалсафий масалаларга бориб тақалади. Шунингдек, бу борада давлатларнинг ҳам турлича ёндашувлари мавжуд. Ўзбекистон бу йўналишда энг ривожланган айрим давлатлардан ҳам илгорилаб кетганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Масалан, қизиқ факт, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг асосий ҳужжат — 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ёки Европа учун энг асосий ҳужжат — 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинли-

қларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида сайлов ҳуқуқига оид қафолатлар белгиланмаган. Тўғри, кейинчалик 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва Европа Конвенциясига 1952 йилда киритилган баённомаларда мазкур ҳуқуқ охири-оқибат ўз аксини топди. Лекин нима учун ушбу ҳужжатларда сайлов ҳуқуқи белгиланмагани ва бу нарса тасодиф ёки тасодиф эмаслиги кишини ўйлантирishi аниқ.

жазони ўташ учун эмас, балки қилган қилмишига яраша жазо олгани учун озодликдан маҳрум этилади.

Худди шундай инсонийлик ҳозирги давр, янги Ўзбекистон даври ахлоқи ва руҳиятига ҳам хосдир. Шундай экан, овоз бериш ҳуқуқи бу имтиёз эмас, балки инсоннинг инсон эканини қўшимча тасдиқловчи имкониятдир.

33 йилда улкан мамлакатлар ҳанузгача таъминлаб беролмаган ҳуқуқларни мамлакатимиз қафолатлаб берди. Ваҳоланки, масалан, асрлар мобайнида аёллар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлиб келган. Испанияда аёллар фақатгина 1933 йилдан, Японияда 1945 йилдан, Кореяда 1948 йилдан, Хитойда 1954 йилдан, Қувайтда 2005 йилдан, БААда 2006 йилдан, Саудия Арабистонида эса 2015 йилдан бошлаб аёлларга таъкидлашча, жиноятчи ўз келиб чиқишига кўра, бундай шартномага умуман алоқаси бўлмайди.

Хорижий тажрибани таҳлил қилсак, Англия ва Ирландия, шунингдек, АҚШнинг барча штатлари (Мэн ва Вермонтдан ташқари)да оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилинган шахслар сайловда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслигини кузатамиз. Худди шундай Россияда ҳам озодликдан маҳрум қилинган шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Хўш, нима учун бундай ривожланган давлатларда маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқи чекланган бўлса-да, Ўзбекистонда ҳаётда қўқилган, билиб-билмай жиноят содир этган шахсларга жиддий эътибор қаратилмоқда, улар учун ҳаттоки сайловда иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда?

Бунда гап ўзбек халқининг кечиримлигида ҳам эмас, балки миллатнинг инсонийлиги билан боғлиқ. Озодликдан маҳрум этилган шахс ҳам, аввало, инсон, у ҳам ким учундир ота ёки она, фарзанд ёки ака-сингил мақомидаги шахсдир. Жиноят содир этиши уни инсон тоифасидан бошқа мавжудот турига айлантириб қўймайди. У ҳануз ҳақ томонлама Ўзбекистон фуқароси, жамият бир бўлагининг аъзоси бўлиб қолади. Бошқа фуқаролар каби барча юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, фақатгина эркинлик ҳуқуқи маълум муддатга чекланади. Унинг озодликдан маҳрум этилиши эса бошқа бир муҳим таъминлаб берилганликнинг муқарраллигини сўзсиз таъминлаш, уни ахлоқдан тузатиш ва келажакда яна жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳисобланади. Яъни инсон Жиноят кодексига белгиланган

“Марказий Осиё руҳи” ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Буни бирлашув натижасида эришилган иқтисодий ўсишда ҳам кўриш мумкин. Масалан, минтақа мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти 450 миллиард долларга яқинлашди. Яъни минтақанинг ўсиш суръатлари 4,8 фоизни ташкил қилиб, бутун дунёнинг ўртача ўсишидан деярли икки баробар юқори кўрсаткичга эришди. Демак, келишувлар доирасида кўрсатилган ишлар ўз вақтида, бекаму-кўст бажарилишда давом этса, натижалар бундан ҳам юксак бўлади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news 2024 йил 13 сентябрь, 186-сон

ХАЛҚАРО ФОРУМ

БИР МУШТ БЎЛИБ ЖИПСЛАШАЁТГАН МИНТАҚА

Бунда парламентлараро ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин эгаллапти

Бошланиши 1-бетда

Марказий Осиё мамлакатлари нафақат қўшни, балки тарихи, қадриятлари, урф-одатлари умумий бўлган қардош халқлар ҳисобланади. Аини жиҳат дўстлик, ишончли ҳамкорлик нисбийлик касб этган ҳозирги замонда янада аҳамиятли. Зеро, минтақа давлатларининг тараққиёти Марказий Осиё барқарорлиги ва фаровонлигига боғлиқ. Буни сўнгги йилларда мамлакатимиздаги яхши ва яқин қўшничилик борасидаги ислохотлар ва унинг натижалари ҳам исботлайди.

Дастлаб, чегара, транспорт, сув ресурслари, савдо соҳаларида бир қатор зиддиятларни бартараф этишга жиддий эътибор берилди. Иқтисодий ҳамкорликлар, маданий-гуманитар алоқалар янада мустаҳкамланди. Шу тариқа “Марказий Осиё руҳи” деган тушунча пайдо бўлди. Дунё арена-сига чиққан спортчиларимизни минтақа халқлари бир бўлиб қўллаб-қувватлаши “Марказий Осиё руҳи” амалий кўриниши олганини исботлайди. Шунинг ўзиёқ ислохотлар самараси қанчалик чуқур илдиз отаётганини кўрсатди.

Шу ўринда кичик маълумот: бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг 80 фоизга яқини қўшни давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур рақам халқларимиз бир-бири билан фаол алоқада эканини кўрсатади. Ҳа, қўшни ва қардош давлатлар аҳолиси қадим Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимиз зиёратига келмоқда. Ўз ўрнида, биз ҳам Туркистон тупроғини азиз айлаган Ясавий бобомиз зиёратига, гўзал ва бетакор тоғлари, қўллари билан ажралиб турадиган тожик ва қирғиз биродарларимиз меҳмони бўлишимиз.

Марказий Осиё давлатларининг иккинчи парламентларо форуми мамлакатларимиз ўртасидаги мана шундай

алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли. Ундан парламентларо алоқаларни мустаҳкамлашдек мақсад кўзланган. Қолаверса, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда парламентларо комиссиялар, дўстлик гуруҳлари, давлат ҳокимияти вакиллик органлари, ёшлар парламентлари ҳамда хотин-қизлар иштирокни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Шундан келиб чиқиб, форумда Ўзбекистон парламенти томонидан бир қанча ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, мамлакатларимиз қонунчиликларини уйғунлаштириш бўйича парламентларо фаолияти мувофиқлаштирилиши керак. Бу орқали қонунларимиз бир-бирига зид бўлмашлигига эришилади. Ҳа, ислохотлар ҳуқуқий асосга эга бўлсагина, амалий қиёфа касб этади. Бунда парламентларо гуруҳ ва комиссияларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, Марказий Осиё давлатларининг қонунлари ҳам уйғун бўлиши шарт. Шу боис, Ўзбекистон парламенти айнан шу масалани кун тартибига қўйди.

Албатта, ҳуқуқий асосга эга ҳамкорлик, дўстона алоқаларнинг янги босқичга кўтарилаётгани қувонарли. Чунки бундай фаол ҳамкорлик ортидан катта ва жиддий келишувларга эришиш мумкин. Масалан, минтақа мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти 450 миллиард долларга яқинлашди. Яъни минтақанинг ўсиш суръатлари 4,8 фоизни



5 баробар, ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 2 баробар ошган.

Ҳа, “Марказий Осиё руҳи” ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Буни бирлашув натижасида эришилган иқтисодий ўсишда ҳам кўриш мумкин. Масалан, минтақа мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти 450 миллиард долларга яқинлашди. Яъни минтақанинг ўсиш суръатлари 4,8 фоизни

ташкил қилиб, бутун дунёнинг ўртача ўсишидан деярли икки баробар юқори кўрсаткичга эришди. Демак, келишувлар доирасида кўрсатилган ишлар ўз вақтида, бекаму-кўст бажарилишда давом этса, натижалар бундан ҳам юксак бўлади.

Шу мақсадда парламентимиз олий даражада эришилган келишувлар ижросини таъминлаш устидан парламент

назоратини олиб боришда узвий ҳамкорлик ташаббусини илгари сурди. Бунда масъул кўмиталар, парламент аппаратлари ўртасидаги ўзаро алоқалардан фойдаланиш зарурати таъкидланди. Бундан ташқари, парламентлар даражасидаги ҳамкорлик ҳудудлардаги вакиллик органлари даражасига ҳам тушиши, парламентларо ҳамкорликда аёллар

фаолигини ошириш каби қатор масалалар кун тартибига қўйилди.

Форумдаги қўйилган масалалар тўртта сессия доирасида кўриб чиқилди. Дастлаб, Марказий Осиё мамлакатлари парламентларо комиссиялари ва дўстлик гуруҳларининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги фаолиятини янада кучайтириш мавзуси ўрганилди. Сўнг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан назоратни амалга оширишда Марказий Осиё мамлакатлари маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Учинчи сессияда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда парламентлар аёл аъзоларининг фаол иштирокни ошириш муҳокама қилинди. Ниҳоят, сўнгги сессия ишида “Ёш авлодининг парламентдаги овози: минтақани барқарор ривожлантириш учун янги ташаббус ва лойиҳалар” мавзуси доирасида томонларнинг фикрларига қулоқ тутилди. Янги ташаббуслар илгари сурилди. Яқунда кўрилган мавзулар, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар асосида Хива декларацияси қабул қилинди.

Парламентларо форум иштирокчилари фикри билан қизиқдик.

Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси:

— Ҳозир Марказий Осиё мамлакатларида умумий қараш шаклланимоқда. Яъни минтақа тараққиёти, хавфсизлиги ҳамда фаровонлиги бўлиб келишмоқда. Зеро, маданияти, урф-одати ва анъаналари, қадриятлари бир бўлган халқларда дўстлик ва ҳамкорликдан бошқа йўл ҳам мавжуд эмас.

Минтақамизда қайд этилган натижалар, шубҳасиз, давлатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган сайёҳаракатлари туфайли рўй бермоқда. Шу билан бирга, олий даражада эришилаётган келишувларни самарали амалга ошириш, ҳамкорлик форматларини янада ривожлантиришда парламентлар ўртасидаги ўзаро алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, 2022 йилда Президентларимиз илгари сурган ташаббус орқали Марказий Осиё давлатлари Парламентларо форуми йўлга қўйилди.

Биз, парламент раҳбарлари ўртасидаги алоқалар ҳам минтақамиз тус олмоқда. Учрашувлар, ўзаро ташрифлар сони ортмоқда. Эндиги вазифамиз мана шу тарихий ҳамкорлик салоҳиятини тўла ишга солишдан иборат. Давлатларимиз раҳбар-

лари сайёҳаракатлари натижасида бугун парламентларимиз ҳамкорлигидаги янги саҳифа очилмоқда. Тарихда бугунги даражадаги алоқалар кузатилмаган. Хивада ўтказилаётган Марказий Осиё давлатларининг иккинчи парламентларо форумида кўрилаётган масалалар, эришилаётган келишувлар фикримизни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, биз халқларимиз, мамлакатларнинг умумий манфаатидан келиб чиқиб, ўзаро алоқаларнинг истиқболини белгилаб олдик. Зеро, минтақанинг ҳамма давлатлари ўз тараққиётини бевосита Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва фаровонлигига узвий боғлиқ ҳолда кўради.

Биз халқларимиз, мамлакатларнинг умумий манфаатидан келиб чиқиб, ўзаро алоқаларнинг истиқболини белгилаб олдик. Зеро, минтақанинг ҳамма давлатлари ўз тараққиётини бевосита Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва фаровонлигига узвий боғлиқ ҳолда кўради.



Маулен АШИМБАЕВ, Қозғоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси:

— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ушбу форумни қўллаб-қувватлаб, бизга самимий қўлловчи бўлишига ишонаман.

Таъкидлаш керак, минтақа мамлакатлари олдида ҳал этилиши кутилаётган бир қатор масалалар бор. Жумладан, кескин геосиёсий жараёнлар, иқтисодий беқарорлик ва экологик таҳдидлар биздан умумий ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Зеро, вазифамиз мамлакатларимизнинг интеграциялашган ривожланиш моделини шакллантириш, шу орқали Марказий Осиё аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашдир. Парламентлар ушбу мақсадга эришиш учун ҳуқуқий базани яратиш бериш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Бугунги учрашувимиз Қозғоғистоннинг дурдонаси бўлган қадимий гўзал Хивада бўлиб ўтмоқда. Бу шаҳар нафақат Ислоҳ цивилизациясининг энг муҳим марказларидан бири, балки умумий маданий ва тарихий меросимиз рамзидир. Шу маънода форумнинг Хивада ташкил этилишида ҳам рамзий маъно бор. Қадимдан цивилизация чорраҳаси бўлган Хива бугун ҳам мулоқот, ўзаро ҳамкорлик зарур эканини эслатмоқда, гўё.

Парламентларо мулоқот Марказий Осиёда дўстлик, ҳамкорлик алоқаларимизни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади. Аввали форумда қабул қилинган Туркистон декларацияси парла-

Марказий Осиё жадал ривожланаётган ва стратегик аҳамиятга эга минтақадир. Бидамизки, давлатларнинг ташқи сиёсатини дипломатиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Парламент дипломатияси бу йўналишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Нурланбек ШАКИЕВ, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеші Тоғрағаси:

— Бугунги ноёб платформамиз долзарб масалаларни муҳокама қилиш, парламентларо муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида муҳим воқеа бўлди. Чунки Марказий Осиё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда парламентларимизнинг ўрни ҳақида фикр алмашиш учун яна бир яхши имконият яратилди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё жадал ривожланаётган ва стратегик аҳамиятга эга минтақадир. Бидамизки, давлатларнинг ташқи сиёсатини дипломатиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Парламент дипломатияси бу йўналишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Вақт кўрсатганидек, парламентларо мулоқотнинг ривожланиши ва кенгайтириши дўстлик, ишонч ва халқро шериклини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Халқимизнинг “Бирдамлик — муваффақиятнинг бошланиши”, деган мазмунда ҳикмати

бор. Демак, бугун Марказий Осиё мамлакатлари бирлашиб, янги марраларни забт этадиган фурсат келди.

Истардимки, биз мамлакатларимизнинг ютуқларидан хурсанд бўлишимиз ва ҳар доим бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз керак. Ана шундай алоқаларни мустаҳкамлашга замин яратган форумни юқори савияда ўтказайтгани учун Ўзбекистон раҳбарига ва хурмагли ҳамкасбаримга миннатдорлик билдираман.

Гуванчмирад АГАЕВ, Туркманистон Межлиси Иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:

— Халқларимизни азалдан тинчлик, яхши қўшничилик, дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкам боғлаб келган. Ҳозир дунёдаги мураккаб вазият тинчлик, барқарорлиқни ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳимоя қилиш Марказий Осиё давлатларининг устувор вазифасидир.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари самарали кечмоқда. Натигада минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш учун самарали майдон пайдо бўлди.

Бугун Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатларимиз худудда замонавий логистика яратиш керак. Бунинг учун эса қонунларимиз уйғун бўлиши лозим. Мазкур йўналишлар ўзаро ҳамкорликда божхона, нарх ва бошқа имтиёзлар беришни талаб қилади. Форум доирасида бошланган алоқаларимиз келгусида мана шундай йирик ҳамкорликларга замин яратишига ишонаман.

Маҳмадтоир ЗОКИРЗОДА, Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси Раиси:

— Аввало, Ўзбекистон томонига юқори савияда ташкил этилган форум учун миннатдорлик билдираман. Ўз навбатида, минтақадаги ҳамкорликнинг ривожланиши давлатларимиз раҳбарларининг ўзаро сиёсий иродаси натижасида рўй бераётганини таъкидлаш керак.

Хивадаги форум навбатдаги келишувлар, замонавий тенденциялар асосидаги ҳамкорликнинг янги босқичига хизмат қиладиган натижаларга бой бўлди. Бу албатта, барчамизни бирдек қувонтиради. Чунки ҳозирги даврда дўст ва биродарлик алоқалари ҳар доимгидан ҳам муҳим. Шунининг олган ҳолда, Тожикистон парламенти қонунчилик органлари ўртасидаги барча йўналишлардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидламоқчиман. Айниқса, Тожикистон учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетика, иқлим ўзгаришига қарши кураш каби йўналишларда ҳамкорликни кучайтириши долзарб аҳамиятга эга эканини айтиб ўтиш лозим.

Умид қиламанки, Хивада қабул қилинган декларация келгуси ҳамкорлигимиз учун муҳим тарихий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.



Мухтасар айтганда, бугун Марказий Осиё бир мушт бўлиб, олға силжияпти. Юқорида айтилганидек, ўтмиш, урф-одатлари бир бўлган қардош халқлар қондошлик, қўшничилик каби қадим қадриятларига таяниб иш қурмоқда. Зеро, бу ҳозиргидек сиёсий, иқтисодий беқарорлик даврида ишончли дўстликдай қиёси йўқ неъматни тортиқ этади.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мамлакатимиз креатив иқтисодийни ривожлантириш борасида юқори салоҳиятга эга. Чунки бу заминдан ўз ғоялари билан дунё тамаддунига, жаҳон илм-фани ва маданиятига беназир ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Марғиноний каби кўплаб буюк мутафаккирлар, алломалар етишиб чиққан.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz



КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ

У нимаси билан афзал?

Дунёда интеллектуал меҳнат, инновацион ечимлар ва креатив ғояларга асосланган иқтисодийни ривожлантиришга эътибор қаратаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Яъни креатив иқтисодий жаҳон иқтисодийнинг энг ривожланаётган тармоқларидан бирига айланыпти.

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШЛАШИ УЧУН ЕТАРЛИ МИҚДОРДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР БЎЛИШИ КЕРАК. ШУ БОИС, МАМЛАКАТИМИЗДА МАЗКУР ТАРМОКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА АЛОХИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА "КРЕАТИВ САНОАТ ПАРКЛАРИ"НИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЙўНАЛТИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.



Жасурбек АТАНИЯЗОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, интеллектуал салоҳияти, иқтисод ва ташаббусларни рўйга чиқаришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилаётганини боиси шунда. Истеъдодли, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг қўламадаги ҳаётий ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти нигоҳини ўзбекистонга қаратаётгани ҳам бор гап. Бу ўзбекистон ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ўз йўли ва ташаббуслари орқали айрим ривожланаётган ва ривожланган давлатларга намуна бўлаётганини кўрсатади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда биттадан "Креатив парк" ташкил этиш, уларга йилга камида 40 минг ёшни жалб қилиш" каби устувор мақсадлар белгиланган. Шунга қўра, жаҳоннинг илгор тажрибалари, замонавий ижодий ва инновацион ютуқларини ҳаётга самарали таъбиқ этишни ҳамда креатив иқтисодий бўйича халқаро миқёсда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш ҳамда ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил 23 августда давлатимиз раҳбарининг "Креатив иқтисодий бўйича IV Бутунжаҳон анжуманининг Тошкент шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, жорий йил 2-4 октябрь кунлари мазкур йирик тадбир ўтказилади.

Президентимиз мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда "Денгизга чиқиб имкониятини чекланганини инобатга олиб, эътиборимизни креатив соҳаларга қаратишимиз, уларни жадал ривожлантиришимиз зарур. Жаҳонда креатив санаот маҳсулотлари экспортдан йилга миллиардлар доллар даромад топаётган мамлакатлар кўп. Бинобарин, шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғласан, ижодкор ишбилармонларимизни, айниқса, ёшларимизни ҳар томонлама рағбатлантирамиз", дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, дунёда креатив иқтисодий мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида муҳим роль ўйнамоқда. Креатив иқтисодий мусиқа, наъриб, архитектура, телевидение, санъат, маданият, дизайн, оммавий ахборот воситалари, реклама, мода, кино ва баъзи юқори технологияли тармоқларни ўз ичига олади.

БМТ ҳисоб-китобларига қўра, маданий ва ижодий соҳалар жаҳон ялпи ички маҳсу-

лотининг 3,1 фоизини ва дунёдаги бандлик даражасининг 6,2 фоизини ташкил қилади. Креатив иқтисодий тармоқлари йилга қарийб 2,5 триллион АҚШ долларига тенг даромад келтиради. Ушбу соҳанинг экспорт қиймати 250 миллиард долларни ташкил этган ҳолда дунё бўйлаб 50 миллионга яқин янги иш ўрни яратилганга ҳисса қўшмоқда. Бу соҳада 300 миллиондан ортиқ киши банд бўлиб, миллий иқтисодийларда креатив индустриянинг улуши ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 3-5 фоизини ташкил қилади. Унда иш билан банд бўлганларнинг ярмига яқини аёллар, бошқа соҳаларга қараганда, 15-29 ёшдагилар кўпроқ фаолият юритади. Жорий ўсиш суръатлари ва ушбу секторнинг дунё иқтисодийдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда келгуси 10-15 йил ичида ушбу сектор жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизини ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Креатив иқтисодий бутун дунё бўйлаб 16-29 ёшлар учун миллионлаб иш ўрни яратди. Ривожланган мамлакатларда ушбу секторда бандликнинг улуши сезиларли даражада ташкил этади. Хусусан, Японияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10-14 фоизи, Буюк Британияда тахминан 10 фоизи, Австралиядан 6 фоизи, Германияда 7 фоизи, Франция ва Корея Республикасида 4 фоизи ижодий фаолият билан шугулланади.

Креатив индустрия жаҳон иқтисодийнинг энг жадал ривожланаётган тармоғи бўлиб, қўшилган қийматнинг салмоқли қисми ижодий фаолият ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини бошқариш ҳисобига шаклланади. UNCTAD (БМТ органи) маълумотларига қўра, сўнгги 20 йил ичида креатив иқтисодий ўсиш суръати анча тезлашган. 2023 йилги Глобал инновацион индекси (GII)га қўра, 132 мамлакат ичида креатив иқтисодий бўйича етакчи бешликка Швейцария, Швеция, АҚШ, Буюк Британия ва Сингапур қиради.

Креатив иқтисодий одамларга ўз ижодкорлик ва инновацион салоҳиятини намойён этиш, ғояларни аниқ иқтисодий қийматга айлантириш учун платформа сифатида хизмат қилади. Халқаро молия корпорацияси маълумотларига қараганда, креатив соҳалар муҳим иқтисодий мультипликатор эффектига эга бўлиб, унга сарфланган ҳар бир доллар иқтисодий ўсиш 2,5 долларга тенг боғлиқ яратди. Ёшлар учун бу иқтисодийнинг энг истиқболли тармоқларидан бири. Аҳолининг 60 фоизини 30 ёшга бўлганлар ташкил этувчи Ўзбекистон учун эса айни муддаодир.

Бутунги кунда мамлакатимизда 1598 та Ахборот технологиялари маркази фаолият юритаётган бўлса, улардан 411 таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган. Шунингдек, 100 дан ортиқ дизайн маркази, 60 та анимация маркази, 30 та ўйинлар ишлаб чиқиш маркази ва 20 дан ортиқ санъат

галереяси фаолият йўлга қўйилгани юрти-мизда ёшларнинг ижодкорлик қобилиятини намойён этишга муҳим ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз креатив иқтисодийни ривожлантириш борасида юқори салоҳиятга эга. Чунки бу заминдан ўз ғоялари билан дунё тамаддунига, жаҳон илм-фани ва маданиятига беназир ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Марғиноний каби кўплаб буюк мутафаккирлар, алломалар етишиб чиққан.

Креатив индустрия ривожланишининг асосий тенденциялари товарлар ва хизм-



ларнинг қўшилган қийматида ижодий фаолият натижалари улушини ошириш ҳамда рақамли технологияларни кенг қўламли жорий этишни ўз ичига олади. Шу боис, инсон капитали креатив иқтисодийнинг асосий ресурс ҳисобланади.

АҚШда креатив иқтисодий иқтисодий ўсишда асосий роль ўйнайди. Голливуд, Силикон vodiysi, Нью-Йорк ва Лос-Анжелес дунёдаги креатив индустрия марказлари ҳисобланади. Буюк Британияда креатив индустрияда 2 миллиондан ортиқ киши ишлайди. Бу мамлакатдаги ҳар бир йигирманчи меҳнатга лаёқатли инсон креатив иқтисодий фаолият юритади, дегани. Жанубий Корея креатив индустрияни ривожлантириш мақсадида махсус КОССА креатив агентлиги фаолиятини йўлга қўйган. Агентлик креатив соҳалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мамлакатда яратилган ижодий маҳсулотларни халқаро бозорга олиб чиқиш имконини берди. Жанубий Кореяда, шунингдек, маданият, кино ва телекўрсатувлар каби креатив соҳаларни ривожлантиришга катта миқдорда сармоя киритилади. Ушбу мамлакат креатив

индустриядан ҳар йили қарийб 6 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Козовистонда 2021 йил ноябрь ойида 2021-2025 йилларда креатив тармоқларни ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Унинг доирасида "Маданият тўғрисида"ги қонун ва Тадбиркорлик кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ушбу чора-тадбирлар санъат, дизайн ва ахборот технологиялари каби соҳаларда ишлаётган одамлар ва компанияларни қўллаб-қувватлаш учун шароит яратди.

Жаҳонда Буюк Британия, Австралия, Умий Зеландия ва Гонконг мамлакатининг умумий иқтисодий ривожланишига креатив секторнинг таъсири тобора ортиб бормоқда. Ушбу давлатлардаги креатив сектор иқтисодий ўсишни барқорорлаштириш ва инновацияларни яратишнинг асосий омилли сифатида аҳамият касб этмоқда. Уларда креатив иқтисодийни ривожлантириш йўлида солиқ имтиёзлари, юқори технологияли ускуналар божхона тўловларини камайтириш, интеллектуал мулкни химоя қилиш ва чет элда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш, йирик халқаро кўргазма,

фестиваль ва конференцияларни ташкил этиш кабилар давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланади.

Кўплаб хорижий юртларда креатив иқтисодий оммавий ахборот воситалари, кино, мусиқа, ўйин қўрилмалари учун кўнгуллар дастурий таъминот, компьютер ўйинлари, илмий тадқиқотлар ва бошқа ижодий соҳалардан иборат бўлиб, уларда аҳолининг салмоқли қисми фаолият юритади.

Иқтисодийнинг ушбу соҳасини янада ривожлантиришнинг зарурий шарти муайян даражадаги иқтисодий билимлар мавжудлиги ва, биринчи навбатда, инсоннинг ижодий қобилиятларини юксалтириш, шунингдек, ижодкорлар синфи шаклланиши ҳисобланади.

Яқин-яқингача иқтисодий ривожига билдилар ва ахборот иқтисодий сифатида ургу берилган бўлса, бутун билимлар иқтисодий ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги ғоялар ва режаларни амалга оширишга асосланган креатив иқтисодий ҳақида кўп таъкидланмоқда. Бинобарин, креатив иқтисодий, асосан, хизмат кўрсатиш соҳасида содир бўладиган жараёнларни ўз ичига олган ижодкорлик сектори иқтисодийни ҳисобланади.

Унинг ривожланиши ижодий фикрлайдиган ходимлар ва ижодий соҳаларда фаолият юритувчи фирмалар сони кўпайишига чамбарнас боғлиқдир.

Креатив иқтисодий интеллектуал капитал ҳисобланган чекланган манба салоҳиятига асосланади. Инсонларнинг интеллектуал ва креатив имкониятлари туганмас ресурс бўлиб, иқтисодий жараёнларга таъсири тобора кучайиб бормоқда. Е-вазминг улкан муваффақиятини эслайлик. Қисқа вақт ичида у дунёдаги энг бой компаниялардан бирига айланди, компания муваффақиятини янги асоси на инсон меҳнати сифати ва молиявий капитал миқдори ошишига, на янги технологияларга боғлиқ эди. Мазкур ҳолатда компания муваффақиятини энг муҳим омилли унинг асосчиларидан бирининг креатив ғояси бўлган.

Креативлик ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи энг муҳим

омилга айланиб бормоқда. Чунки креативлик номоддий хусусиятга эга бўлса-да, янги оригинал ғоялар тўғрисида қўшимча меҳнат ва капитал сарфланмай, ишлаб чиқариш даражасини оширишга имкон беради.

Креатив иқтисодийда инсон қобилияти ва малакасига қўйилмаган талаблар ишлаб чиқариш жараёнида уларга қўйилмаган талаблардан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш жараёни одамлардан махсус ижодий қобилиятни талаб қилмайди. Креатив сектор эса, аксинча, ақлли ғоялар билан ишлайди. Соҳада фаолият юритувчи ходимлардан ижодий фикрлаш, янги ғоялар, оригинал ечимлар яратиш, янги технологияларни ўзлаштириш талаб этилади. Шунинг учун креатив иқтисодийни шакллантиришда муҳим ўрнни тутадиган касбий тайёргарликнинг юқори даражаси асосий талаблардан биридир.

Унинг тараққий этишига хизмат қилувчи навбатдаги муҳим омил ижодий майдон мавжудлигидир. Унинг очилгани ижодкор шахсларга янги ғоялар яратиш имконини беради. Ижодий муҳит бағрикенг қарашлари, маданий қадриятлари, диний эътиқоди, муаммоларни ҳал этишдаги ёндашувдан қатъи назар, ҳаммани қабул қила оладиган бўлиши керак. Айнан шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратилган мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодийнинг ушбу тармоғини ривожлантириш учун қўлай шароит яратишнинг муҳим шартларидан бири креатив фаолият учун зарурий инфратузилмани яратишдир. Бу жараёнда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг асосида турли грантлар ажратилади, лойиҳалар амалга оширилади, маданий аъёнлар ривожлантирилади, маданий тадбирлар ўтказилади, халқ ижодийи тоҳасига оид жамоат тузилмалари, хаваскорлар жамиятлари қўллаб-қувватланади.

Креатив иқтисодий муваффақиятли ишлаши учун етарли миқдорда молиявий ресурслар бўлиши керак. Шу боис, мамлакатимизда мазкур тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, жорий йилда "Креатив санаот парклари"ни ривожлантириш учун 10 миллион доллар йўналтирилиши белгиланган.

Таълим муассасалари ва уларнинг қадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари борасидаги самарали фаолияти креатив иқтисодий инфратузилмасининг асоси ва рақобат устунилигининг муҳим манбаидир. Олий ўқув юртлари интеллектуал капитал, инновационлар ва янги технологияларни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Креатив иқтисодийнинг шаклланиши ва ривожланиши янги ҳодиса бўлиб, иқтисодий ўсишнинг чексиз ресурсларига, инсоннинг ижодкорлик қобилиятига асосланади. Янги ғоялар шаклланишида ижодкорлик қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Яратилган илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш орқали ортиқча меҳнат ва капитал жалб қилмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти юзага келади. Бу жараён чекланмаган ғоялар ва интеллектуал капиталга асосланади. Унинг натижаси эса қўшилган қийматнинг ўсишига ва барқорор иқтисодий тараққийдага намойён бўлади.

Янгича ёндашувлар

Қизилтепа туманига бежиз "тадбиркорлар манзили" дея таъриф беришмайди. Ташкил этилаётган янги ишлаб чиқариш субъектлари маҳсулотлар турфа хиллиги ва аҳоли бандлигини таъминламоқда. Натияжада жорий йилда худудда санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 794,9 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,7 фоизга етган. Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 1 триллион 512,5 миллиард, қурилиш санаотида 684,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чакана савдо айланмасы 646,5, хизматлар ҳажми эса 559,1 миллиард сўмни ташкил этган. Қолаверса, маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

Тумандаги мавжуд 4 та сектор ва 53 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлашда айнан тадбиркорлик соҳасининг ривожланиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Фикримизни рақамлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, инвестиция лойиҳалари асосида 207, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликда 3125 та, қишлоқ хўжалигини йўналишида 5197 ва қурилиш соҳасида 407 ва бошқа йўналишларда 1418 та янги иш ўринлари яратилиб, 10 миңдан зиёд фуқароннинг бандлиги таъминланди.



ТАДБИРКОРЛИК БИР ЙўНАЛИШДА ИШ ЮРИТИШ ДЕГАНИ ЭМАС

маҳалласи аҳолиси бу борада бошқа худудларга намуна. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Аманой Тўхтамешовнинг туңука ишлаб чиқариш цехида қўллаб маҳаллий аҳоли банд. Бу каби ишлар замирида юрти-мизда тадбиркорликка очиб берилган кенг йўл ва яратилган имкониятлар мумассас. Бундан оқилона фойдаланган Нилуфар Эр-назарова ҳам турмуш ўрғоти билан маслаҳатлашиб, фарзандига кичик цех ташкил этиб берди. Улар бутун дўконларга чиқиб етказиб бermoқда. Яна бир ишбилармон Улаш Шомиеванинг эса рўмол ишлаб чиқарувчи 3 та кичик корхонаси бор. Аввалига маҳалладаги бўш турган бинони аукцион орқали 5 йил муддатга шартнома асосида олиб иш бошлаган тадбиркор аёл ҳозир фаолиятини янада кенгайтирган.



ишчи-ходимлар сони 40 нафарга етди. Имтиёзли кредит ва субсидиялар асосида тикув машиналари ва бошқа зарур техникалар харид қилди. Шунга яраша ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, даромадимиз ҳам ошди. Ҳозир бир ойда 50 миңтагача маҳсулот

тайёрлаймиз ва юртимизнинг барча худудларига етказиб берамиз. Дарҳақиқат, инсоннинг икки муаммоси ҳал этилганида, яъни доимий даромадли иш ва турар жой билан таъминланса, ҳаётини рози бўлиб, яшаш ва меҳнат қилишга

бўлган иштиёқи ошади. Қизилтепа туманида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ана шундай миңглаб хонадонларга қувонч бағишлайпти. Худудда кўп қаватли уйлар, мактаб, давлат мактабгача таълим ташкилотлари, оилавий поликлиника, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғлари, ичимлик сув, табиий газ, электр, иссиқлик таъминоти объектлари, канализация тармоғи, таъмин ички йўллари қурилиши давом этмоқда.

— Туманимизнинг Малиқобод худудидан 2022-2026 йилларда 20 гектар ер майдон ажратилиб, "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу худудда 53 та кўп қаватли уйлар ва инфратузилма объектлари қурилиши қўзда тутилган. Айни вақтда лойиҳанинг биринчи босқичида 200 хонадонга мўлжалланган 8 та 5 қаватли уйлар қурилиб, ўз эгаларига топширилади. Бундан ташқари, 180 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника фаолиятини

бошлади. Иккинчи босқичида жорий йилда еттига 7 ва 9 қаватли уйлар, 990 ўринли мактаб қурилиши бошлангани арафасида, — дейди Қизилтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Фарход Қурбонов.

Тумандаги бошқа маҳалларда ҳам инфратузилмани яхшилаш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Бу аҳолига қўлай яшаш муҳитини яратиш билан бир қаторда, худудлар қиёфасига ҳам кўрк бағишлайпти. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам долзарб масалалардан биридир. Айниқса, туман марказидан олис, ичимлик сув тармоғи етиб бормаган худудларга 12,5 километрлик янги тармоқ тортилди.

Ҳар бир йўналишда илгор қизилтепаликлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари билан ҳам эътирофга лойиқ. Айниқса, галла ва пахта етиштиришдаги жонбозликлари салмоғи кенг. Жорий йилнинг март ойида туман фермерлари 110 дан ортиқ йирик ва ўрта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, 8 та ўрим комбайни сотиб олди. Бу каби йирик харидлар натижасида галла ўрими мавсумида 14 кун ичида фидойи фермерлар 25 миң тоннадан ортиқ галла ҳосилини йиғиб олишга эришди.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ва санаотини ривожлантириш, халқни турар жой ҳамда иш билан таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича туманда тизимли ишлар олиб боришмоқда. Буларнинг барчасига худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, худудда кенг қўламада қурилиш-бунёдкорлик ишларини олиб бериш, янги иш ўринларини яратиш орқали эришиш мумкин. Бу ислохотлар Қизилтепа туманида янада намойён бўлиб, халқ давлатдан рози, турмушидан мамнун яшамоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Муносабат

Янги Ўзбекистонни қуриш, уни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсад қилинган бугунги даврда барча соҳалар қатта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз олдида улкан режалар ва синовлар тургани ҳам ҳақиқат. Президентимиз фикри билан айтганда, жаҳонда нималар бўлаётганини сиёсатдан узоқ одам ҳам кўриб билипти. “Мен сиёсатчи эмасман”, деган одам ҳам кўриб, тушуниб етпти. Жуда кўп масалалар бор, ечими йўқ. Халқаро майдонда баланс бузилди, қонун-қоидалар мутлақо ўзгарди. Хатто дўстим, деб юрган давлатлар орасида ўзаро ишонч йўқ бўлди десак, бу ҳам адолатдан бўлади. Эртага дунёда бу нотинчлик кўлами қаергача кенгайишини ҳеч ким билмайди.



ДАВЛАТ ТАШАББУСИНИ ҚАНДАЙ ТУШУНЯПМИЗ?

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ХУСУСИДА



Улуғбек ЯЗДОНОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

эришиш мақсадини уйғотишга қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантириш зарур. Чунки кечани ёд этишимиз, бугун ҳақида қай-қуришимиз ҳамда эртанги кунга замин яратишга интилишимиз, бу йўлда барчамиз чўқур масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳаракат қилишимиз орқали кўзланган эзгу мақсадга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳаларни модернизация қилишда узоқни кўзлаб тузилган режаларни амалий механизми устидан жамоатчилик назоратини ошириш ва бу орқали “адолатли жамият” концепциясини яратиш зарур. Бугун айрим соҳалар (масалан, қўндалик ижтимоий ҳаётимизда учраши табиий бўлган маншай ҳолатлар устидан) жамоатчилик назорати тенденцияли кечаётган бўлса-да, келажак авлод тақдири билан боғлиқ кўплай йўналишлар “жамоатчилик эътиборидан” четда қолмоқда. Жумладан, бугунги таълим тараққиётига бўлган жамоатчилик муносабати тўхталиб ўтишни жоиз топди.

Назаримизда, давлат томонидан таълим ва тарбияга ажратилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий сармоялар кенг кўламада кечаётганига қарамастан, аксарият ота-оналар ва ёшлар ўртасида таълимга бўлган “пессимистик муносабат” сақланиб қолмоқда. Албатта, бунинг объектив ва субъектив жиҳатлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз қобили доираси — таълим ва тарбия тизими самардорлигига у ёки бу даражада таъсир этмоқда. Масалан, таълим ва тарбия йўналишида ҳуқуқ томонидан олиб борилаётган ислохотлар объектив зарурат бўлиб, ундан кўзланган аниқ мақсадлар мавжуд. Буларга илгга асосланган жамият тараққиётига эришиш; ҳар бир соҳа ривожини замонавий илмий салоҳиятга эга кадрлар билан қуриш; маънавият, маърифатли, дунёқарашни кенг, теран фикр юритувчи, жамиятдаги ўзгаришларга оғли муносабат билдириш кўникмасига эга авлоднинг шакллантириш; жаҳонда ҳужм сурётган ишчилик муаммосига қарши курашиш, ақл заковати, интеллектуал қобилияти ва ўткир зехни билан дунё “меҳнат бозорига” муносиб ўрин топувчи, яъни гастарбайтер сифатида эмас, балки интеллектуал салоҳиятли кадрлар мақомида кириб боришига эришишни кириштириш мумкин. Шунингдек, дунё тамаддунида



ўчмас из қолдирган буюқ ажодларга мос авлодларни шакллантириш, юртимиз равнақи йўлида мамлакатга олиб келинаётган замонавий технологиялардан унумли фойдалана оладиган ёш мутахассислар қатламини ошириш қабилар ҳам устувор масалалардир.

Шу мақсадлар йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ кейинги етти йилликда таълим ва тарбия тизими самардорлигига эришиш учун ажратилган сармоялар кенг кўламада реал ҳаётимизга кириб келмоқда. Хусусан, 1991-2016 йиллар оралиғида мактабга таълимга болаларни қамраб олиш даражаси 27 фоиздан ошмай келатган эди, бугун бу кўрсаткич 74,6 фоизга кўтарилди. Келгуси беш йилда бунинг 80 фоизга етказиш мақсад қилинган. Шунга мос равишда янги тиндига, замонавий жиҳозлар билан таъминланган мактабга таълим ташкилотлари сони кескин ошди.

Яқин-яқингача мактаб битирувчиларининг фақат 9 фоиз олий таълимга кириш имкониятига эга эди. Бугун бу кўрсаткич 42 фоиздан ошди. 2030 йилга қадар 50 фоизга чиқариш стратегияси ҳуқуқат томонидан ишлаб чиқилди. Билимли ёшларни қўллаб-қувватлаш

давлатларнинг тараққиёт пойдевори — илмий жамиятни қуриш концепциясига асосланганини кўрамиз. Бу олий мақсад йўлида жамиятнинг ҳар бир қатлами шахсий масъулиятни чўқур ҳис этиши ва бирлашиши зарур. Акс ҳолда, режалар қозғола, мақсадлар “орзуда” қолиб кетаверади. Чунки Президентимиз ҳақиқат равишда келтириб ўтганидек, бугун янги Ўзбекистон тараққиётида “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда” концептуал ғояси жамиятнинг ҳар бир қатлами эзгу мақсадга айланмас экан, кўзланган марраларга эришиш имконсиз бўлиб қолаверади. Бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, таълимдан “бизнес” юритиш, озорқ сармоя киритиш эвазига кўпроқ фойда олишни мақсад қилган “субъектив тадбиркорлик” муҳитига барҳам бериш зарур. Биргина мисол, бугун хусусий секторга қаратиб аксарият мактабга таълим, мактаб ҳамда олий таълим муассасаларида сифатли таълим бериш тизими яратилиши ўрнига — кўпроқ ўқувчи йиғиш, уларни қизиқтирувчи рекламаларни тақдим этиш, жозибали, аммо таълим стандартларига жавоб бермайдиган хизматларни тақдим этиш орқали “клиент”лар сонини оширишга интилиш тенденциясида рақобатлашиш кетмоқда. Олий таълим миқёсида қарайдиган бўлсак, ҳозирда нодовлат нотижорат ташкилоти сифатида фаолият юритяётган кўплай хусусий олий таълим даргоҳларида мактабни ўзлаштириш даражаси қандай баҳоланишидан қатъи назар, ўқишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилган. “Бунинг нимаси ёмон?” деган савол туғилди.

Бирламчи жавоб шуки, жамиятда маълум илмий ижодга, касбий маҳоратга лаёқати паст бўлган олий таълим муассасалари таълимни қўпайди. Натижада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим ва тарбия бериш тизимини “орқага тортувчи” авлод шаклланади.

Иккинчидан, ҳуқуқатимиз томонидан олий таълим муассасаларига молиявий эркинлик бериш тизимининг ишлаш механизмининг модернизация қилиш керак. Негаки ҳозирда ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтган нафақат хусусий, балки давлат олий таълим муассасаларининг деярли барчасида “йшаб қилиш”нинг нажот йўли сифатида имкон қадар “чекланмаган” миқдорда тўлов контракт асосида абитуриентларни йиғиш мусобақаси кетмоқда. Натижада ақдан заиф, ўқишга лаёқатсиз бўлган ўқувчилар ҳам олий таълимга кириб келмоқда. Шунингдек, 10 ёки 20 баробар контракт тўлови асосида ёшларни олий таълимга қамраб олишга уриниш ортидан илм олишга эмас, аксинча, тизорқ олий таълимнинг белгисини берувчи дипломга эришишни мақсад қилган ёшлар қатлами ошиб бормоқда. Бу борада бизнинг фикримиз шундай: агар ёшларнинг илгга бўлган муносабати меркантилизм ғоясига асосланган экан, жамиятда илмизлар ошиб, мансабпарастлар, шахсий манфаатини жамият эътиёбларидан устун қўрувчи авлод шаклланиб боришига имконият туғилаверади.

Учинчидан, сифатли таълим бериш тизими ўтиш устида жиддий ўйлашимиз керак. Яъни биз бугун сонини ошириш асосида сифат

кўрсаткичларига эришиш устида ҳам ўйлашимиз зарур. Аксинча кетаверса, фалсафий қонуниятда айтилганидек, миқдор ўзгаришлари — сифат кўрсаткичига ўз таъсирини ўтказиб, тизорқ бўлмас оқибатларга олиб келади. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги ёшларнинг аксариятида умумий ўрта мактабда ўқишдан мақсад — шаҳодатнома олиш ва қайсидир олий таълимга ўқишга кириш бўлиб қолмоқда. Ўқувчиларимизнинг қатта қисмида яхши кўрсаткичларда ўқиш, илм олиш каби мақсадда тушунчалар иккинчи даражали масала сифатида баҳоланмоқда. Бунинг оддий сабаби шундаки, олий таълимга кириш теран ва чўқур билимга эмас, “тўлов қобилиятига” қараб белгиланиши устуворлашиб бормоқда. Албатта, бундай қараш ўз самарасини кўрсатади. Биргина мисол, 2023-2024 ўқув йили учун олий таълимга ўқишга кириш мақсадида ҳужжат топширган абитуриентларнинг 49,4 фоизи 56,7 балли тўплай олмаган бўлса, 2024-2025 ўқув йили учун ўтказилган имтиҳон натижалари ўтган йилга нисбатан озорқ ижобий ўзгаришга, яъни 46,9 фоизни ташкил этган бўлса-да, аммо ҳар икки ҳолатда ҳам 50 фоиздан озорқ абитуриент билими 56,7 баллга етмади. Сода қилиб айтганда, умумий ўрта таълим битирувчиларининг камида яъни икки баҳода мактабни тўтаган. Уларнинг олий таълимга кириб келишини тасаввур этаверамиз.

Тўртинчидан, таълимга кредит-модул тизимини киритишдан асосий мақсад нима экани борасида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки мўл-мўл фанларни ўзлаштириш семестрга қилиб кетиши қандай оқибатларга олиб келиши бугунги аксарият талабаларни ўйлантиргани йўқ. Сабаби шундаки, талабалар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган маълум вақт оралиғида, ўзлаштирмаган фанидан кредит тўловини қилиб, ҳўжақўрсинга ўзлаштириш асосида кейинги ўқишга ўтиб кетмоқда. Бу биринчидан, ёшлар психологиясида пулни тўласам, ўтаман ва курсдан курсга қолмайман, деган тушунчани уйғотаётган бўлса, иккинчидан, фанининг қадриятига, илмизлигига янада ошишига олиб келмоқда.

Бешинчидан, таълим ва тарбия бериш даргоҳларида илгга бўлган муносабат объектив-лига асосланганига эришиш зарур. Масалан, олий таълимга ишлаб чиқарувчи ташкилотларни жалб этиш, улар томонидан маълум суммада баҳоланувчи лойиҳаларни бажаришига буюртма бериш, қорхона истиқболига хизмат этувчи инновацион лойиҳалар устида олий таълимни ижрочи ташкилот сифатида кириб боришига эришиш масалаларига эътибор қаратиш тавсия этилади. Негаки олий таълим — талабадан келатган контракт устида бош қотириш ўрнига, ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган амалий лойиҳаларни бажариш асосида даромад топиш борасида ўйлар экан, илм ривожланади, ишлаб чиқарувчи кутатган жамият эътиёбларидан устун қўрувчи авлод шаклланиб боришига имконият туғилаверади.

Учинчидан, сифатли таълим бериш тизими ўтиш устида жиддий ўйлашимиз керак. Яъни биз бугун сонини ошириш асосида сифат



Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги “Бачқир” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Мухлисaxon Исмонова бобоси ва бувиси қарамоғида яшайди. У ноғирон — эшитмайди, гапира олмайди. Аммо маҳалла, жамият ҳаётидан узилиб қолгани йўқ.

Оила ҳаёт тарзи билан яқиндан танишган маҳалладаги ёшлар етакчиси ташаббуси билан унга субсидия асосида замонавий тизуви машинаси олиб берилди, қомаш ҳарид қилиш учун сармоя ажратилди. Мухлиси бу имкониятлардан самарали фойдаланди. Уйда туриб, буюртмалар асосида миллий либослар тайёрлаш ҳадисини олди. Ишлаб топган даромадининг бир қисмига қўшимча ускуналар харид қилиб, фаолиятини кенгайтириб бормоқда.

Юксалиш палласи МАҲАЛЛАДА ИШСИЗ ВА БЕКОРЧИЛАР ЙЎҚ

томонидан билдирилган таклифларнинг асосий қисмининг замонавий касблар эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқиш, деҳқончилик учун ер олиш билан боғлиқ истақлар ташкил қилади. Жорий йилнинг ўзида ишсиз, “Ёшлар дафтари”га кирган, меҳнат миграциясидан қайтган 75 нафар ёшга экин майдонлари ажратиб берилди. Сувга қулай, умумдор ерларда деҳқончилик қилаётган ёшлар меҳнатлари самарасидан мамнун. Кейинги икки йилда бу йўналишда 150 дан ортиқ ёшлар бандлиги таъминланди. Маҳалла-маҳалла ишсиз, बेқорчи ёшлар йўқ.

Аброржон Мамажонов бахтсиз ҳодиса туфайли ноғирон бўлиб, тўшакка “михляниб” қолди. Бу ҳолат ёш оила ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Фарзандлари жуда ёш, жўжабондир жон. Шундай қунарнинг бирида маҳалладаги ёшлар етакчисига учрашиб, дастурлаш соҳасига қизиқиши, аммо бу йўналишда етарли малакага эга эмаслиги, устига-устак, харақли жиҳозлар ҳам йўқлигини билдирди. Ёшлар етакчиси ташаббуси билан Аброржон туман марказидаги дастурлаш ўқув марказига беғул жағ этилиб, керакли билим ва кўникмага эга бўлди. Саховатпеша ҳоимлар қўмағида замонавий ноутбук совға қилинди. Бу имкониятлар оилани янги ҳаётга, орзу-мақсад йўлида интилишига ундади.



ташаббус” олимпиадаси доирасида ўтказиб келинаётган бахсларда бир неча бор голиблар қўлданан жой олди. 2022 йилда 27-30 республика бўлган аёллар енгил атлетика бахслари ешубоқчи босқинчи голибларини қўлга киритди. Бу йўналишда бошланган ютуқли оқимлар бардавом бўлиб бормоқда. Ўтган йилги беллашуларда эса 16-21 ёшли енгил атлетикачи қизлар ўқиб қўли бандиди. Мусобақа низомига кўра, спорт тури совриндорларини рағбатлантириш мақсадида маҳалла ҳудудида универсал спорт майдончалари қуриб берилди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Матонатдан САБОҚ БЕРУВЧИ ОИЛА

Хийласи ўтмади

Бу воқеа бўлганига, адашмасам, икки йилдан ошди. Вилоят ҳокими набатдаги фуқаролар қабулини бир туманда ўтказишни айтилди. Қабул жараёнини ёритиш истагидаги журналистлар ҳам таклиф этилди. Шулар қаторида мен ҳам бор эдим.

Олдиндан эълон берилгани учун шу кунги кўпчилик жам бўлди. Вилоят ҳокими бошчилигида бошқармалар бошликлари, туман ҳокимлари тегишлича қабул бошлаб юборган. Жараёни кузатиб борар эканман, ҳеч бир фуқаро бу ерга бежизга келмаганига амин бўлдим. Бири уй-жой муаммоси, бири иш, яна бошқаси ёрдам пули, хуллас, ҳар кимнинг ўз айтар гапи бор. Лекин аксарият кишиларнинг йиллаб ечимини кутаётган ташвишлари мавжуд эдики, раҳбарлар ҳам имкон даражасида шу ернинг ўзига ҳал қилушга ҳаракат қиларди.

Бир пайт вилоят ҳокими қабулига ёши кексароқ отахонини икки киши икки томонидан етаклаб кирди. Отахон арабча қадим ташлар, ростки, кўрган кишининг раҳмининг келтиради. Бир амаллаб сўзга ўтирган ота гапни нолишдан бошлади. Анчагина дарди ҳол қилган, яшашга уйи йўқлигини, бирор бошпана берилмасча кўчада қолишини айтиб, кўйнарди. Вилоят раҳбари отанинг манзили ёзилган қоғозга кўз югуртириб, фарзандлари бор-йўқлигини, оилавий аҳволини сўради.

У киши тўрт ўғли борлигини, лекин ҳовлини эгаллаб олгани боис, чол-кампирга жой етмаётганини таъкидлади. Бир оз сўхбатдан сўнг отахон яшайдиган маҳалла раисини чақирди. Раҳбар маҳалла раисидан отанинг оилавий шароитини сўраган бўлди. Аниқ гапирмаган раис нимадандир кийжал чекарди. Сўнг ўрғаниб чиқайлик, кейин жавобини айтмасан, дея отахонга руҳсат берилди. Яна ўша икки киши бир амаллаб кўлик-қашанга олиб чиқилди. Маҳалла раиси ҳозир келишини айтиб, отахоннинг ортидан чиқди. Кейинги кишига набат берилиб, жараёнда раиснинг қўлини олиш ҳам кўпчиликнинг ёдидан кўтарилганди.

Бир оз вақт ўтиб, маҳалла раиси кўриниш берди. Қўлида телефони билан раҳбарга яқинлашди ва телефондаги видео тасвирларни кўрсатаркан, у ердаги ҳолатни кўриб, кўпчилик қатори мен ҳам ажабландим. Таажжубки, бошқаси икки киши арабча кўпчилик олиб кирган, арабча гапирган кекса киши қўлини орқага қилганча дадил қадам ташлаб кетарди. Тасвирга олинатгани сезмаган шекилли, ўзича кўлини ситлаб-ситлаб кўяди. Бунинг гувоҳи бўлган киши шундай ёшда қилган ишга аттанг, дейишдан ўзга чора йўқ эди. Лекин мени бошқа нарса ўйлантирарди. Набираларига насихат берадиган бобонинг шунчалик

артистик қилиб, ролга киришига нима мажбур этди экан? Наҳотки, ор-номусни ҳам орта суриб, шундай қилиш мумкин. Афсуски, кўрганларимиз ҳақиқат эди.

Бундайларни кўриб, гоҳида ўзимизча хулоса чиқарамиз. Бугун одамлар: “Боқиманда, берсанг ёйман, урсанг ўламан, қабилида иш тутувчилар кўнаиб кетди, ҳеч бир кишида орият қолмади”, дея кўп гапирарди. Йўқ, аслида, ундай эмас. Шошилинч хулоса чиқариш нотўғри. Шундай матонатли кишилар борки, уларни юқоридаги кишиларга ўрнатиб кўрсатсанг арзийди. Кўйида ибратли оила ҳаёти ҳақида сўз юртамиз.


Кутилмаган синов...

Ҳеч бир киши тақдир битигини олдиндан ўқиб ололмагани каби янги турмуш кўрган Хидировлар оиласи ҳам ширин ҳаёт оstonасида орзулари улкан эди. Уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатини кўрган киши ҳавас қилмасдан қолмасди. Шу сабаб бўлса керак, энг намунали ёш оилалар қаторида бўлган.

Кўп ўтмай оила қувончи янада ортиб, фарзанд дунёга келди. Бахтиёрлик наҳидаси бўлган киз чақалоқ икки ёш ўртасидаги бир-бирига бўлган меҳрни янада мустаҳкамлашга сабаб бўлди. Ният қилишганидек, қизалоқ ортидан икки йил ўтиб ўтил дунёга келди. Энди болаларини ҳеч қимдан кам бўлмадан воғта етказиш учун эр ва хотин астойдил ишларди. Оила бошқаси Абдуҳақ ака йўл қуриш бошқармасида муҳандис, турмуш ўртоғи Ҳалима опа ўқитувчилик қиларди.

Барчаси кўнгилдагидек эди. Аммо тўнғич фарзанд чамаси ўн ёшга қадам қўйган пайтларда соғлиғида жиддий муаммо юзга келди. Айниқса, бўғим касаллиги авж олиб, юришларида салбий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Кутилмаган ҳолатни кўриб шошиб қолди. Орадан кўп ўтмасдан киз қиз ногирон бўлиб қолди. Ажабланирлик, соғлом воғта етказиб келатган ўғлига ҳам айнан ўн бир ёшга етмасдан шу ҳолат тақрорлана бошлади. Бир қайғуси иккита бўлган ота-она болаларининг дардига дармон бўлиш истагида тўрт тумонга югурарди. Кимдир у деди, яна бирови бошқа сабаб деди. Хуллас, даво истаб қирмаган эшиги, сўраб-суриштирмаган табибу шифокори қолмади. Бу орада бир киши хориждаги айнан шу соҳада иш олиб бораётган доктор манзилини берди.

Катта умид ила болаларини олиб хорижга йўл олган ота-она у ерда анча вақтгача бўлди. Бир қатор текширувлардан сўнг болаларида бу касаллик ота ёки она томондан ўтиб, ирсий эканини айтиб, имкони борича даволаб, болаларни қисман мустақил ҳаракатланишга ёрдам беришни таъкидлашди. Шундан сўнг



икки йил чет элдаги шифохонага қатнашиб, оз бўлса-да, болаларини даволатишди. Барибир иккаласи ҳам иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Бу орада кейинги икки қизи ҳам бир оз улайиб қолганди. Докторлар айтишганидек, айнан балоғат ёшига келиб бу қизларнинг ҳам соғлиғида ўзгариш бўлиб, катталари сингари ҳолатга тушди. Тақдирнинг ачирқ қисматида бардош бериб, буларни ҳам даволатишга ҳаракат қилишди. Аммо бир оз фойда берганини айтмаганда, катта ўзгариш бўлмади.

Сабрнинг таги сара олтин

Пешонага битилганини ўзгартириш кишининг қўлидан келмас экан. Эр-хотин бир-бирига суяниб, имконияти чекланган тўрт фарзандини ўқитишга бел боғлади. Ўзлари истомқат қилаётган Қарши шаҳридаги Беклар маҳалласига яқин 7-мактабга беришди. Лекин имконияти чекланган ношиқ қалбни болаларни илмга қизиқтиришдан ўзи бўлмасди. Шу сабаб, ўзи ҳам мутолаани яқин кўргани боис, Абдуҳақ ака рўзгордан орттирганга китоб харид қилиб келадиган кўпчилик эртақлар, ҳикояларни, қиссаларни болаларига ўқиб беради. Кун сайин болаларнинг китобга бўлган қизиқиши ортиб боради. Эндиликда кун ботиб, қоронғу бўлишини интизорлик билан куттишар, онасидан

кечаги ҳикоянинг давомини ўқиб беришини илтимос қилишарди. Ўзлари ҳам китоб ўқийдиган бўлишса-да, лекин онасининг ўқиб бериши жуда ёқимли эди. Оиладаги китобхонлик таъсирида болаларнинг мактабдаги ўқиши ижобий томонга ўзгарди. Илм-фанга бўлган қизиқиши орта бошлади. Натيجида тўнғич фарзанд мактабни битирган йили олийгоҳ талабаси бўлди. Опасидан сўнг укаси ҳам университетга ўқишга кирди.

Қувончи кунларнинг ўзига хос ташвиши ҳам бор экан. Бир вақтнинг ўзига икки фарзанднинг контракт асосида ўқитиш осон бўлмади. Шундай бўлса-да, болалари имконияти чекланган бўлишига қарамасдан бирор марта ҳеч бир жойдан ёрдам пули олишни ҳалигача ҳам келтиришмаган. Ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратётган оила эндиликда кўпроқ ҳаракат қилаётган бўлди. Айниқса, Ҳалима опа кундузи ўрта мактабда дарс беради, тушдан сўнг махсус мактаб-интернатда тарбиячилик қиларди. Тўн қоронғисинда уйига қайтарди. Гоҳида қаттиқ нон еб, боғича бардошли бўлган пайларга ҳам бўлди. Лекин ҳеч қачон бирор қорхона ёки хонадон эшигини тақиллатиб боришмади, бирор жойга ариза кўтариб, чопишмади. Аксинча, ўз оиласининг муаммоси ўзиники эканини яқин англаб, борига қаноат қилишга мажбур бўлди. Ҳаттоки, маҳалла раисига чиқиб бир бор бўлса-да нолимади. Бундай жасорат эса

камдан-кам инсонларда бўлишини, бу оиланинг ҳолидан хабардор бўлганлар яқин биларди. Кейинчалик кичик икки қиз ҳам мактабни тугатиб, университетга ўқишга кирди. Ҳалима опа ўзи ўқитувчи бўлгани боис, қизларнинг билим олишига доим кўмак бериб борди. Бу орада пенсияга чиққан Абдуҳақ ака ҳам бекор ўтирмади. Ёшлиғидаги қизиқши қайта уйғониб, маҳалладаги ёшларга шахмат ўргатадиган бўлди. Бирор ишга киришса, астойдил бел боғлаб бажарадиган Абдуҳақ аканинг шоғирдлари тез орада мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Кўнгилларни тоғдек кўтарган мукофот

Оиланинг энг кичиги Нилуфар ҳам биринчи гуруҳ ногирони. У шундай бўлса-да, бирор марта афсус чекмаган. Аксинча, киши хоҳласа, ҳар бир нарсасга эришиши мумкинлигини амалда исботлади. Болалик пайтдананоқ тиришқоқлиги боис, онаси ҳамроҳлигида мактабга боради, кейинчалик эса ўзи аравачини мустақил бошқариб борадиган бўлди. Мактабда ҳам барча устозларини лол қолдириб, доим аъло баҳоларга ўқишга интилдди. Айниқса, инглиз тилига қизиқиши юқорилиги сабаб астойдил ўрганишга ҳаракат қилди ва улдасидан чиқа олди. Шундан сўнг уйда бекор ўтиришни истамасдан яқин атрофдаги инглиз тилига қизиқувчи болаларга сабоқ беришни бошлади. Бу билан у ўз билимини янада мустаҳкамлаб борди ва маҳалладаги ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига ҳисса қўша бошлади.

Бундан ташқари, янгиликлар яратишга интилдди. Хусусан, кўзи ожиз ўқувчилар инглиз тилини яқин ўзлаштириши учун янги қўлланма тайёрлади. Унда қоғозда турли ҳайвонлар, сабзавотларнинг расми бўрттириб чизилган бўлиб, қўл билан пайлашган киши буни англаши ва хорижий тилда қандай номланиши шу орқали ўргатиладиган бўлди. Унинг бу қўлланмаси кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Мактабни аъло баҳоларда тугатган Нилуфар Қарши давлат университетига ўқишга ҳужжат топширди. Контракт асосида талабалikka тавсия этилди. Оиласига оиди турмушаслиги учун ўқини рад этди. Бу ҳол иккинчи йил ҳам тақрорланди. Жиддий ҳозирлик кўриши натижасида учинчи йил хорижий тиллар бўлимига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Қирқ йилга яқин мактабда ўқитувчилик қилдим, — дейди Ҳалима ая Хидирова. — Ростини айтсам, қаттиқ нон тишлаб ўтган кунларимиз кўп бўлди. Қийинчиликка сабр бўлди, олдига ҳаракат қилинса, барчаси ўз измига тушиб кетаркан. Отаси билан ҳалол

едириб-ичириш учун доим меҳнатда бўлдим. Қаранг, бирор марта бировдан ёрдам сўраш ҳаёлимизга ҳам келмаган. Бир кун қариндошлардан бири меҳмонга келиб қолди. Аҳволимизни кўриб ачинган шекилли, маҳалладан, ҳокимиятдан ёрдам сўрашимизни айтиб, танбех берди. Отаси эса ўша вақтнинг ўзига: “Рўзгоримдаги ташвиш меники, оғирини ҳам, енгилини ҳам ўзим кўтараман”, дея жавоб берганди. Шу гап бўлди-но, бошқа биров бу ҳақда оғиз очмайдиган бўлди. Мана, Яратганга шукр. Бугун барчасини ўқитиб, олий маълумотли қилдим. Ҳозир бири дастурчи, бири иқтисодчи, иккиси инглиз тили ўқитувчиси. Яқингина маош олмоқда. Ўзим ўқитган шоғирларим доим сўраб туришарди.

Барча қийинчиликлар ортада қолди. Яқинда қизим давлат мукофоти билан тақдирланганини эшитиб, кўнглим тоғдек юксалди. Сабрнинг таги сара олтин, деганлари шу бўлса керак-да.

Нилуфар Хидирова университетни тамомлагач, шу олийгоҳга ишга таклиф этилди. Айни пайтда Қарши давлат университети лингвистика кафедрасида ўқитувчи. У яқинда давлатимиз раҳбари фармони асосан, “Жасорат” медали билан мукофотланди.

— Президентимизнинг менга берган юксак мукофоти биз учун катта қувонч бўлди, — дейди Нилуфар Хидирова. — Айниқса, онамининг қувонганини кўрсангиз эди. Ҳалигача кўпчилик табриқлашади. Бу медал, энг аввало, ота-онамининг хизматларига берилган юксак эътироф, деб ўйлайман. Сабаби, бизни шу ҳолимизга тарбиялаб, бирор марта ўқитмасдан воғта етказишди, ўқитишди. Жамиятда ўз ўрнини топишда катта кўмакчи бўлишди. Бунинг учун уларга доим таъзимдаман.

Биласизми, барча опаларим, акам қатори мен ҳам ўқишга қизиқишимнинг энг биринчи сабабчиси ота-онам. Боиси, биз ётадиган хонанинг ҳар тарафи жапон тўла китоблар эди. Бўш қолдики, китоб ўқишга ҳаракат қилардики. Ким кўп китоб мутолаа қилгани билан бахшашардики. Натيجида ўзимиз сезмаган ҳолда илмга шўнғиб кетганмиз. Самараси бугун амалда намойён бўлмоқда...

Тўрт нафар имконияти чекланган фарзандни тарбиялаб, уларни воғта етказиш учун ўзига хос магонат кераклигини яқин биламиз. Бундан ташқари, ҳар бирини олий маълумотли қилиб, жамиятда ўз ўрнини топишга шароит яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келарвермайдими. Абдуҳақ ака билан Ҳалима аянинг умр дафтери кўпчиликка ибрат бўлса ажабмас. Айниқса, боқимандаликни ўзига касб қилган айрим кимсалар учун намуна бўлса қандай яқини.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Туризм

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида гап кетганда, уч томондан учта давлат билан чегарадош ва бу қўшни қардош ҳамда биродар мамлакатлар билан айтарли алоқалар, борди-келди муносабатлари йўқ бир манзил ҳаёлга келарди. Бугун воҳа, том маънода, шарқу ғарбни мамлакатимиз билан боғловчи асосий кўприкка, транзит йўлакларидан бирининг чорраҳасида жойлашган ҳудудга айланган. Эндиликда унинг қадим қадрият ва анъаналари, тарихи билан танишиб, табиитини томоша қилиб юрган кўплаб хорижлик сайёҳларни учратасиз.

Вилоят маркази Термизда эса ишбилармонларга яратилган эътибордан баҳра олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган Афғонистон, Россия, Туркия, Тожикистон каби давлатлар фуқаролари, Ҳиндистондан келиб таҳсил олаётган 200 дан зиёд талаба ёшларга ҳар қадамга дуч келасиз.

Тақдирларга кўра, 2022 йилда воҳага 147 минг нафар хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. 2023 йил якунига қадар бу рақам қарийб 4 баробарга ошиб, 570 мингга ташкил этган. 2024 йилнинг ўтган даврида эса 223 минг турист келган. Бу эса мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 2 мартага ортганини аниқлатади. Шунга мос равишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда туризм экспорти 12 миллион долларга етган.

Хорижлик сайёҳларни

Йил якунигача буни 30 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ҳодимларига ҳам катта масъулият юклатди. Шу боис, бугун соҳа вақиллари ўз фаолияти ва ташаббусларини намойён этмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 мартдаги “Транспорт ва туризм объектиларига ҳаммаёт хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби вилоят ички ишлар бошқармаси таркибида ҳам хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилган, — дейди Сурхондарё вилояти хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Фаррух Қодиров. — Албатта, саёҳатга овланаётган турист учун ташриф буюраётган манзили хавфсиз ва хизматлар сифати намунали бўлиши мўҳим. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ҳодимлари бутун вилоят бўйлаб сайёҳларга намунали тарзда хизматлар кўрсатиб келмоқда. Вилоят марказида ситуацион таҳлилий марказ ташкил этилган. Унда воҳага кириб келувчи сайёҳлар кетгунга қадар камералар орқали кузатиб борилади. Чунки уларнинг хавфсизлиги жуда мўҳим. Ҳодимлар учун барча техника жиҳозлар берилган. Яъни ҳодимлар томонидан вилоят ҳудудига келган хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлиги таъминланиб, уларга қўшимча қўлайликлар яратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон туризм бозори 9 триллион долларни ташкил этмоқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ҳам туризм соҳасида ўз имкониятларини кенгайтириб бораётган

мамлакатлардан бири. Сурхондарёда мингга яқин маданий мерос объектилари ҳамда 2 та йirik музей бор. Булар ҳам воҳанинг улкан сайёҳлик-рекреацион потенциалини ташкил қилади. Шу боис, вилоятда туризм бозорининг жозибадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда туризм хизматларини диверсификация қилиш, соҳа учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ажиб тилсимли Ғур-ғуртепа гори, Сангардакнинг мўъжизавий шаршараси, Хўжамайхона, Омонхонанинг шифобахш булоқлари ва бошқа кўплаб моддий ҳамда номоддий бойликлар билан ҳам ҳамма сайёҳлар эътибори марказида бўлган. Аждодларимиз яратган бебаҳо қадриятлар, турфа урф-одат ва анъаналар, нодир меъморий ва тарихий аҳамиятга молик обидалар нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар тарихшунос олимларни ҳам ўзига тортади.

СУРХОНДАРЁ ЎЗИГА ЧОРЛАМОҚДА



Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Сурхон воҳаси Зараўтсой, Кампиртепа, Жаркўтон, Сополиттепа, Далварзиптепа каби қадимий обидалар, Бойсунтоғ тизмасидаги

— Сурхондарёга бир неча бор келганман. Кишини руҳан сокинлаштирадиган манзиллардан бири бу Термиздаги Ҳажим ат-Термизий мажмуаси. Нарироқдан кўхна Амударё



оқиб туради, дарёнинг нариги томони Афғонистон давлати. Бу мажмуани теварак атрофига боқасиз. Эски Термизнинг кўхна шиноналари, қадимий деворлар. Келиб-кетувчиларнинг ҳам зиёратгоҳ бўлган сабабини, жуда оҳиста ҳаракати киши қалбини хотиржам қилмасдан қолмайди. Қаранг, суқунат қўшигиндек, — дейди италиялик сайёҳ, тадқиқотчи Федерико Валлот. — Бу ерга қачон, қайси вақт келманг саёҳатчилар билан тавжум эканига гувоҳ бўласиз. Биргина биз турган Ҳажим ат-Термизий зиёратгоҳини айланиб, олам-олам таассурот олдик. Зиёратгоҳ шундоққина Амударёнинг ёқасида қад ростлаган. Аллома диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган экан, 400 дан ортиқ асар ёзгани ҳам бизнинг қизиқишимизга сабаб бўлди. Воҳанинг нафақат осори атиқалари,

балки табиати, дарёнинг нариги томони Афғонистон давлати. Бу мажмуани теварак атрофига боқасиз. Эски Термизнинг кўхна шиноналари, қадимий деворлар. Келиб-кетувчиларнинг ҳам зиёратгоҳ бўлган сабабини, жуда оҳиста ҳаракати киши қалбини хотиржам қилмасдан қолмайди. Қаранг, суқунат қўшигиндек, — дейди италиялик сайёҳ, тадқиқотчи Федерико Валлот. — Бу ерга қачон, қайси вақт келманг саёҳатчилар билан тавжум эканига гувоҳ бўласиз. Биргина биз турган Ҳажим ат-Термизий зиёратгоҳини айланиб, олам-олам таассурот олдик. Зиёратгоҳ шундоққина Амударёнинг ёқасида қад ростлаган. Аллома диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган экан, 400 дан ортиқ асар ёзгани ҳам бизнинг қизиқишимизга сабаб бўлди. Воҳанинг нафақат осори атиқалари,

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

